

«TOSHKENTDONMAXSULOTLARI»

Акциядорлик жамиятининг
2016 йил 29 июлдаги навбатдан
ташқари 40-сонли умумий йиғилиши

Қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»






Кузатув кенгаши раиси






У.Меликов



«TOSHKENTDONMAXSULOTLARI»

акциядорлик жамиятининг Уставига киритилётган қўшимча ва ўзгаришлар матни

Эски тахрир	Янги тахрир
<p>3.4 Жамиятнинг устав капитали акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин. Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.</p> 	<p>3.4 модда қуйдагича тахрир қилинади: Жамиятнинг устав капитали акциялар қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин. Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади. -Жамият томонидан акцияга конвертация қилинадиган ва пул маблағлари тўланадиган акция ва эмиссион қимматли қоғозлар жойлаштирилган тақдирда, акционерлар – овозли акцияларнинг эгалари, уларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар; улар сотиб оладиган акциялар эса уларга тегишли шу турдаги акцияларнинг миқдорига мутаносиб бўлади.</p>
<p>4.11-</p> 	<p>4.11. моддага қўшилади: Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади. Тўланмаган дивиденд тўловлар бўйича ҳисобланган пенялар миқдорининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаслиги керак</p>
<p>4.12-</p> 	<p>4.12. моддага қўшилади: Жамият акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс агар у бунгача маскур жамият акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларнинг 50 фоиздан камроғига эгалик қилган бўлса қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифни 30 кун ичида эълон қилиши шарт. Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган куедан эътиборан 30 кун ичида олинган тақдирда жамиятнинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси маскур акцияларни сотиб олиш шартлиги.</p>
<p>7.5 -</p> 	<p>7.5 модда қуйдагича тахрир қилинади: Жамият таркибига ушбу жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси лавозими қўшилади; у жамиятнинг кузатув кенгашига бўйсунди ва корпоратив қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш вазифасини бажаради.</p>
<p>8.5-</p> 	<p>8.5 моддага қўшилади: Акционерларнинг умумий йиғилиши ваколатига қиради: - жамиятнинг жорий хўжалик фаолиятига тааллуқли битимларни белгилаш; - жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш</p>

<p>8.6-</p> 	<p>8.6 моддага қўшилади: Жамиятнинг овоз ҳуқуқига молик акцияларининг жами энг камида бир фоизига эга бўлган акционерлар (акционер) кун тартиби, даромадларни тақсимлаш, бошқарув ва назорат органлари аъзолигига номзод кўрсатиш, уларни акционерларнинг умумий йиғилиши ўтказилгунига қадар алмаштириш борасида таклиф киритиш ҳуқуқига эга бўладилар.</p>
<p>9.3-</p> 	<p>9.3 моддага қўшилади: Кузатув кенгашининг ваколатига қуйидагилар киради: - акционерларнинг умумий йиғилишида белгиланган ва қонунчилик доирасига мувофиқ бўлган миқдорларда хайрия (ҳомийлик) ёрдами бериш ёки эҳсон қилишнинг тартиби, ёрдам кўрсатиш шартларини белгилаш ва ушбу тартиботни акционерлар жамиятининг корпоратив веб-сайтида эълон қилиш; - корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун мустақил ташкилотни танлаб олиш; - кузатув кенгаши қошида тегишли масалалар бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш. - кузатув кенгаши томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора – тадбирлар тўғрисида жамият ижроя органининг ҳисобатини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш. - кузатув кенгаши ваколатига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгаритириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш</p>
<p>9.4-</p> 	<p>9.4 моддага қўшилади: Акционерлик жамияти ўз уставига кўзда тутилганидек, кузатув кенгаши таркибига кузатув кенгаши тўғрисидаги қоида талабларига мувофиқ, энг камида 15% мустақил кузатув кенгаши аъзоларини киритади. Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар кузатув кенгашининг мустақил аъзолари олдига қўйиладиган малакавий талаблар жамиятнинг кузатув кенгаши ҳақидаги қоидаларига мувофиқ белгиланади.</p>
<p>9.7.1 модда Жамият кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартиби: - жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши, тафтишчисининг, директорнинг жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 5 % эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) талабига кўра чақирилади.</p>	<p>9.7.1 модда сўз бошида қуйидагича таҳрир этилади: Жамият кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартиби: - жамиятнинг кузатув кенгаши йиғилиши кузатув кенгаши раисининг шахсий ташаббуси, кузатув кенгаши аъзоси, жамият ижроя органининг ревизори, шунингдек жамиятнинг энг камида жами 1 % овоз ҳуқуқига молик акцияларига эга бўлган акционерлар (акционер)нинг талабига кўра чақирилади.</p>
<p>9.7-</p> 	<p>9.7 моддага қўшилади: - жамиятнинг ички аудит хизмати ички назорат олиб боради, жумладан устав сармоясининг 50 %дан ортиги жамиятга қарашли бўлган юридик шахслар амалга оширилган операцияларни назорат қилади.</p>
<p>10.3-</p> 	<p>10.3 моддага қўшилади: Акционерларнинг вакили сифатида иш юрғизишда ижроя органининг аъзолари ижроя органи аъзоларининг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.</p>

